

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ (ОЛДИ-СОТДИ) БЎЙИЧА

ШАРТНОМА

Мингбулок туман

№ 1

2022 йил 14 январь

Амалдаги устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи «Имкон Ривож барака файз» МЧЖ номидан иш кўрувчи З.Шерматова бир томондан ва амалдаги низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи Мингбулок туман мактабгача таълим бўлими номидан бўлим мудир М.Атакушева иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги **озик-овқат махсулотлари** (кейинги ўринларда "товар" деб юритилади)ни етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати куйидагича белгиланган.

Товарлар (махсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси	Етказиб бериш муддати
Нон 500гр	дона	2204	1750	3857000	30 кун
				3857000	

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 3 857 000 (уч миллион саккиз юз эллик етти минг эллик) сўмни ташкил этади.

2.2. "Харидор" олинadиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 фоиз тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 30 кун муддат ичида товарларни (махсулот) "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган товарлар (махсулот) учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ берилadиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги товарларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Етказиб бериладиган товарлар (махсулот) қийматини ҳаққонийлиги «Харидор» зиммасида булади.

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган товарларни (махсулот) учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш; Товарларни (махсулот) мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш. Олинадиган товарлар (махсулот) нархига бюджет ташкилоти жавоб беради.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товарларнинг (махсулот) тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни (махсулот) етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товар (махсулот) учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Форс-мажор ҳолати, яъни томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (ёнгин, сув тошқини шу каби ёнгиб бўлмайдиган кучлар) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома Мингбулок туман ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ: «Ўтказиб берувчи номи»

«Имкон Ривож барака файз»
МЧЖ

Адрес: Жамашуй ш.

х/р 20208000905048340001

Банк номи _ Транс банк

МФО 00233

ИНН 306220703

ОКОНХ _____

«Буюртмачи»

Мингбулок туман мактабгача
таълим бўлими

Манзил: Мингбулок туман Жоме

Тел./факс

ш/х 400522860142047091100251

СТИРИ 305151814 МФО
00014

ОКОНХ 85100

Ўзбекистон Республикаси
Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в
23402000300100001010 201122919
мфо 00014

Банк. Марказий Банк бош
бошқармаси



Рахбар

З.Шерматова

(Ф.И.Ш)



Тошкент шаҳар Х.К.К.М

Рахбар

М.Аткузиева

(ИМЗО)

(Ф.И.Ш)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ MH22160133

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.


Oziq-ovqat maxsulotlarini yetkazib berish (oldi-sotdi) bo'yicha shartnoma.
("Imkon rivoj baraka savdo" MCHJ)

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Mingbuloq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan
ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil
14-yanvarda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i



A.Mamadaliyev

14.01.2022 y.



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"IMKON RIVOJ BARAKA FAYZ" Xususiy korxonasi

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"IMKON RIVOJ BARAKA FAYZ" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

07.03.2019

697164

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Solliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306220703

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Xususiy korxonasi

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Mingbuloq tumani, Dovduq, TO'PSADA MFY, ANDIYON
KO'CHASI, 1-UY,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Mingbuloq tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Zurab


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ

НАМАНГАН ССМ ДК СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ИДОРАСИ. UZ.AMT.06.MAI.317

Наманган вилоят, Наманган шаҳар, Нодира кўчаси-9. Тел: (0369) 228-81-25
(Сертификатлаштириш идораси номи, манзили, Давлат реестридаги рақами)

№ 2208680

МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ



” 17 ” май 20 19 йилдан
UZ.SMT.01.317.2408310 сон билан

Давлат реестрида рўйхатга олинган.
А мал қилиш муддати
” 17 ” май 20 22 йилгача

ТИФ МН коди

(маълумот учун)

«IMKON RIVOJ VARAKA FAYZ» Х/К Ўзбекистон Республикаси
(корхона, фирма, ишлаб чиқарувчи мамлакат)

Ушбу сертификат тасдиқлайдики, тегишлича идентификацияланган маҳсулот:

*БИРИНЧИ НАВЛИ БУҒДОЙ УНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ВАЗНИ: 0,5 kg ва 0,6 kg ли
ҚОЛИПЛИ НОН МАҲСУЛОТИ.
Серияли ишлаб чиқариш учун.*

(микдори ёки серияли ишлаб чиқарилиши) (номи, тури, хили, русуми)

МТР.008-2017 6-илова; ГОСТ 27842-88, 1.2.1 банди, меъёрий хужжат талабларига мувофиқдир.
1.2.2 банди 2-жадвал; 1.2.3 банди 3-жадвал; 1.2.4 банди; Сан ҚМ 0283-2010 1.4.7 банди.

Сертификатлаштириш схемаси: 4 (тўртинчи)

Буюртмачи (тайёрловчи, сотувчи)

«IMKON RIVOJ VARAKA FAYZ» Х/К

(кераги тагига чизилсин)

Наманган вилоят, Мингбулоқ туман, Довдук, Тўпсада МФЙ, Андижон кўчаси, 1-уй

Сертификатга асос бўлган:

(манзил)

а) хужжатлар Ариза № 753/1 17.05.2019 йилдан.

Наманган вилоят ДСЭНМ томонидан берилган 20.03.2019 йилдаги №157324-сонли санитария-эпидемиологик хулоса. Амал қилиш муддати 20.03.2022 йилгача.

б) намуналар синови UZ.AMT.07.MAI.013. Наманган ССМ ДК аккредитланган физик-кимёвий синов лабораториясида ўтказилди. Синов баённомалари №12/516, 12/517-сонли 17.05.2019 йилдан. UZ.AMT.07.MAI.620. Наманган вилоят ДСЭНМ АСЛ да ўтказилди. Синов баённомаси №115-сонли 19.03.2019 йилдан, №206-сонли 19.03.2019 йилдан.

в) ишлаб чиқаришни текшириш далолатномаси 17.05.2019 йилдаги 150-сонли далолатнома.

Инспекцион назоратни

Наманган ССМ ДК томонидан

бир йилда бир мартаба

даврийлик билан амалга оширади.

Алоҳида ёзувлар: Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар технологик жараён ва меъёрий хужжат талабларига мос келгандагина мувофиқлик сертификати ҳақиқий ҳисобланади.

Мувофиқлик белгиси қўйилади:

Мувофиқлик белгиси маҳсулот юк кузатув хужжатларига қўйиб борилади.

Илова: Мувофиқлик сертификатининг нусхаси фақат сертификатлаштириш бўйича идора ёки асл нусха эгаси томонидан муҳр билан тасдиқланган ҳолатда ҳақиқийдир.

Сертификатлаштириш идораси раҳбари



(ИМЗО)

Х. Ходжаев
(Ф.И.О.)

Эксперт

(ИМЗО)

А. Исмаилов
(Ф.И.О.)